

“Илмли аёл - жамият кўзгуси” мавзусида очик мулоқот ташкил этилди



Бугун мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Термиз туманидаги 3-сонли умумтаълим мактабида ташкил этилган “Илмли аёл - жамият кўзгуси” мавзусидаги очик мулоқотда ҳам айна жиҳатлар эътироф этилди. Термиз тумани ҳокимлиги Оила ва хотин-қизлар бўлими, туман ИИБ, туман тиббиёт бирлашмаси, туман Мактабгача ва мактаб таълими бўлими ҳамда Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институтида ўқитувчилари ва ўқувчилар иштирок этишди.

Очик мулоқотда сўз олганлар вояга етмаган қизлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш, эрта никоҳ ва эрта туғруқларнинг олдини олиш борасидаги ишларга тўхталиб ўтишди.